

Мушрикларни қатл қилишни ман қилиб ёзилган мактуб



Мушрикларни қатл қилишни ман қилиб ёзилган мактуб

Саҳобалар ҳаёти

12:04 / 14 декабрь 846

Имом Молик Куфа ахлидан бўлган бир кишидан ривоят қиласи:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ўзи юборган бир лашкар омилига:
«Менга етган хабарга кўра, сизлардан баъзи кишилар ажам кофирни қувар
экан. У тоқقا чиқиб беркинса, «наметарс» (қўрқма), дер экан. Лекин тутиб
олгач, ўлдирап экан. Аллоҳга қасамки, менга ким ўшандоқ қилгани ҳақида
хабар етса, албатта, унинг бўйинини чопаман», деб мактуб ёзди».

Қаранг-а, қандай олийжаноблик! Уруш вақти. Бир душман тоқقا қочиб,
яшириниб олди. Лекин уни қувиб борган мусулмоннинг ёлғон ваъда бериб,
душманни ўлдиришга ҳаққи йўқ. Агар ёлғон ваъда бериб, бирор мушрикни
ўлдирса, у ўз ҳукумати томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинади.

Имом ал-Воқидий ва Ибн Асокир Абдуллоҳ ибн Абу Ҳадрад ал-Асламийдан
ривоят қиласи:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу билан Жобияга келдик. У аҳли
зиммадан бир чолнинг таом тиланиб юрганини кўриб қолиб, унинг
кимлигини сўради. «У аҳли зиммадан, ёши улғайиб, заифлашиб қолган»,
дейилди.

Умар унинг зиммасидаги жизяни бекор қилди. Кейин: «Ундан жизя олиб,
заифлашган чоғида таом тилантириб қўйдингизми?!» деб, Байтулмолдан

ўн дирҳам нафақа жорий қилди. Унинг оиласи бор эди».

Абу Убайд ва Ибн Занжавайҳ ривоят қиладилар:

«Умар розияллоҳу анҳу бир қари зиммий чолнинг масжид эшиги олдида тиланиб турганини кўриб қолди ва:

«Сенга нисбатан инсоф қилмабмиз. Ёшлигингда сендан жизя олибмиз. Катта бўлганингда сени зое қилибмиз», деди. Сўнгра Байтулмолдан унга етарли маош жорий қилди».

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли хуносаси асосида чоп этилган.